Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

25 март, сешанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 64 (1581)

## ЁШ ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида ёш олимларнинг илмий конференцияси бўлиб ўтди.**

Унда мамлакатимиздаги бир қатор институт ва муассасалардан жами 56 ёш мутахассис иштирок этди. Улар медицина, биология, фармакология, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларга оид талайгина муаммоларни ҳал этишга қаратилган ўз илмий тадқиқотларини олимлар ҳукмига ҳавола этди.

(ЎзА).

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# «ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда эришган ютуқларини, халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи, фани, маданияти, қадриятлари, ўзбек тилининг кенг имкониятлари, мамлакатимизнинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини атрофлича илмий акс эттириш, тарихий воқеа ва ҳодисаларга, шахсларга холисона баҳо бериш ҳамда уни кенг оммага етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Қомуслар бош таҳририяти негизида «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти ташкил этилсин.

2. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»ни, шунингдек, кўп жилдли ўзбек тилининг изоҳли луғати, соҳа энциклопедиялари, кўп тилли луғатлар ҳамда маълумотномаларни тайёрлаш ва чоп этиш нашриётнинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» бош таҳрир ҳайъати таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»ни нашрга тайёрлашга етакчи олимлар ва малакали мутахассисларни жалб этсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари миллий энциклопедияга киритиладиган ўз ҳудудларига тегишли мақолаларни уюштиришда ва тайёрлашда нашриётга яқиндан ёрдам берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасига энциклопедик нашрларни ўз вақтида ва сифатли нашр этиш учун Тошкент китоб-журнал фабрикасини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, нашриётни тегишли қоғоз ва бошқа ашёлар билан таъминлаш чораларини кўриш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 10 кун муддатда Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда энциклопедик нашрларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятидан, уларни яратишнинг мураккаблигидан ва қўйиладиган юқори талаблардан келиб чиқиб нашриётнинг тузилмасини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасига Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги билан биргаликда энциклопедик адабиётларга тегишли муаллифлик гонорари ставкаларини шартнома асосида эркин белгилаш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Давлат матбуот қўмитаси тақдим этган ҳисоб-китобларга биноан нашриётнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий компьютер техникаси, матбаа ресурслари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда хорижий давлатлардан янги матбаа техникаси сотиб олиш учун бюджетдан зарур маблағлар ажратишни таъминласин;

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётига 1 та енгил автомашинага лимит ажратсин.

9. «Ўзавтосаноат» уюшмасига битта «Дамас» (юк машинаси) ва битта «Тико» автомашиналарини нашриётга сотишга рухсат берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки нашриётни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олсинлар ҳамда чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун нашриётнинг тегишли счётларини очсинлар.

11. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва норматив ҳужжатларини, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг статистика тўпламларини олиши шарт бўлган муассасалар рўйхатига киритилсин.

Нашриёт директори меҳнатга ҳақ тўлаш, маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси нашриётни белгиланган тартибда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақидаги зарур статистик маълумотлар билан таъминласин ва тегишли мақолаларни апробациядан ўтказсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивлари нашриёт ходимларига зарур ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги миллий энциклопедия саҳифаларидан ўрин оладиган чет давлатларга тегишли материалларни уюштиришда нашриётга яқиндан ёрдам берсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси нашриёт буюртмасига мувофиқ тегишли хариталарни ўз вақтида тайёрлаб бериш чораларини кўрсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 20 март.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ*

# БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 1997 йил 24 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 март.

* * *

Олий Мажлис саккизинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
2. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1996 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот.
3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
4. Бож тарифи тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
6. Табиий монополиялар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
7. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
8. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
9. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
10. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
11. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
13. Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
14. Электр энергиясидан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
15. Дори-дармонлар ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
16. Геодезия ва картография тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
17. Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.



*Бувайда туманидаги Бувайда қишлоғида тикув трикотаж фабрикаси ишга тушгач 250 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Бу ерда болалар, аёллар ва эркакларнинг 10 турдаги кийим-кечаклари тикилаяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлилиги ва бежиримлиги боис харидоргир бўлаётир.*

*СУРАТДА: фабрика ишчиси Р. Шералиева.*

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 25 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 45,76 | 1 Норвегия кронаси | 8,70 |
| 1 Австрия шиллинги | 4,90 | 1 Польша злотийси | 18,90 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 93,31 | 10 Португалия эскудоси | 3,43 |
| 10 Бельгия франки | 16,72 | 1 Сингапур доллари | 40,37 |
| 1 Голландия гульдени | 30,65 | 1000 Туркия лираси | 0,46 |
| 10 Греция драхмаси | 2,19 | 1 Финляндия маркаси | 11,56 |
| 1 Дания кронаси | 9,05 | 1 Франция франки | 10,22 |
| 1 БАА дирҳами | 15,84 | 1 Швеция кронаси | 7,64 |
| 1 АҚШ доллари | 58,19 | 1 Швейцария франки | 39,94 |
| 1 Миср фунти | 17,17 | 1 ЭКЮ | 66,87 |
| 1 Ирландия фунти | 91,39 | 10 Жанубий Корея вони | 0,66 |
| 1 Исландия кронаси | 0,82 | 10 Япония иенаси | 4,75 |
| 10 Испания песети | 4,06 | 1000 Россия рубли | 10,18 |
| 100 Италия лираси | 3,45 | 1 Украина гривнаси | 31,73 |
| 1 Канада доллари | 42,25 | 1000 Беларусь рубли | 2,39 |
| 1 Хитой юани | 7,01 | 1 Эстония кронаси | 4,59 |
| 1 Қувайт динори | 191,89 | 1 Латвия лати | 100,33 |
| 100 Ливан фунти | 3,77 | 1 Литва лити | 14,55 |
| 1 Малайзия ринггити | 23,47 | 1 Қозоғистон тенгеси | 0,77 |
| 1 Германия маркаси | 34,49 | 1 Қирғизистон соми | 3,33 |

*) валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади**

## ҚАДИМИЙ ҚИШЛОҚДА ЯРМАРКА

***Баҳор байрами куни Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги қадимий Ойим қишлоғида тантанали равишда халқ истеъмоли моллари ва ҳунармандчилик буюмлари кўргазма-савдоси очилди.***



Ярмарка ўтган йили «Ойим жамоа хўжалиги» кооператив хўжалиги маблағига қурилган автостанция ва савдо марказидан бошланиб, қишлоқнинг марказий кўчасини бутунлай эгаллади. Йўлнинг икки томонида магазинлар, умумий овқатланиш жойлари, рўзғор буюмлари тайёрлайдиган цехлар ҳамда кулоллар, гилам тўқувчилар, металл буюмлар ясовчилар, дурадгорлар, каштачилар, заргарлар, ёғоч ва ганч усталарининг дўконлари жойлашган.

## ЧЎПОННИНГ ЧИРОҒИ

***Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика-қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари яратган қуёш нуридан қувват олиб ишлайдиган трансформаторларнинг дастлабки нусхалари истеъмолчиларга жўнатилди.***

Унинг оғирлиги турига қараб 12 килограммдан 50 килограммгача бўлиб, кундузи қуёш нуридан «түйингач» 100 ваттгача қувват беради. Бу эса чўпон ўтовини электр билан таъминлаш, турли хил ихчам электр ускуналарини ҳаракатга келтириш ҳамда машина аккумуляторларини қувватлантириш имконини беради.

## РАССОМЛАР ТУҲФАСИ



***Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида республика рассомларининг «Наврўз-97» кўргазмаси очилди.***

Унда Р. Чориев, М. Кагаров, А. Жалолов каби кўпгина таниқли мўйқалам соҳибларининг Наврўзга бағишланган 300 га яқин асари намойиш этилмоқда. Уларда қутлуғ байрам шодиёналари, ўлкамиз табиати, халқ турмуши, ижодкор ички кечинма ва ўйлари акс этган. Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Бадиий академия ташкил этилиши рассомлик санъатига кўрсатилаётган юксак эътибор намунаси эканлиги ҳақида гапирдилар.

## АКЦИОНЕРЛАР ҲИСОБОТИ

***Тошкентда ихтисослаштирилган «Замин» давлат акционерлик ипотека банки акциядорларининг умумий йиғилиши бўлди.***

Унда банкнинг 1996 йилдаги ишлари якунлари чиқарилди ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 февралдаги мажлисида Президент Ислом Каримов сўзлаган нутқи асосида 1997 йилги вазифалари белгилаб олинди.

«Замин» банки бошқаруви раиси П. Казиевнинг маърузасида 1996 йил чиндан ҳам барқарор ривожланиш йили бўлгани, ялпи даромад 73,4 миллион сўмга, умумий баланс 33 миллион сўмга етгани қайд этилди. Бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятларида банк филиаллари очилган бўлиб, улар 500 дан ортиқ мижозга хизмат кўрсатмоқда.

Йиғилишда банк акцияларининг жойлаштирилиши 1996 йил декабрда бошланганлиги туфайли оддий акциялар учун дивидендлар банкнинг йиллик даромадлари ҳисобга олинган ҳолда, келгуси йилнинг биринчи чорагидан бошлаб берилиши, имтиёзли акцияларга эса дивидендлар йиллик даромаднинг 60 фоизи миқдорида тўланиши таъкидланди.

Йиғилишда Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов иштирок этди.

## БАЙРАМГА СОВҒА

***Наманган туманидаги Боғишамол қишлоғи оқсоқоллари бир пиёла чой устида суҳбатлашиб ўтириш мумкин бўлган чойхонага эга бўлдилар.***



Қишлоқ қарияларига янги чойхонани «Наврўз» халқаро ҳайрия жамғармасининг вилоят бўлими ва «Акбар» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси совға қилди. Чойхонани қуриш ва жиҳозлаш харажатларини шу иккала ташкилот ўз зиммасига олди.

Наврўз байрами куни чойхона очилди, шу куни қишлоқ худудида яшовчи камхарж оилаларга моддий ёрдам берилди.

## УРУҒ СЕПИЛМОҚДА

***Ҳозирги кунда Орол денгизи суви камайиши натижасида денгиз тубидан бўшаган ер майдони қарийб 3 миллион гектарни ташкил қилади.***

Бу ерларнинг учдан икки қисми Қорақалпоғистон худудига тўғри келади. Ушбу минтақада яшайдиган аҳолини Қизилқум ва Қорақум оралиғида вужудга келган янги саҳро -- Оролқумдан кун сайин кўтарилаётган минг-минглаб тонна заҳарли чанг-тўзоннинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилиш учун қандай тадбирлар кўрилмоқда?

Айни кунларда тўқай хўжалиги ходимлари Оролқум худудида саксовул уруғларини сепиб, эни 10 метрлик ҳимоя чизиғини ташкил қилиш борасида иш олиб бормоқдалар. «Собиқ денгиз» тубидан Чимбой, Қозоқдарё, Тахтакўпир, Қораўзак ва Мўйноқ тўқай хўжаликларининг ҳар бирига 25 минг гектардан ер ажратиб берилган. Фақат Чимбой тўқай хўжалигининг ўзида 22 тоннадан ошиқ қора саксовул уруғлари тайёрланган бўлиб, чимбойликлар шу йилнинг март ойи ўрталарида ва йилнинг охирги ойларида 3 минг гектар майдонга уруғ қадаш ниятидалар. Саксовул уруғларини сепиш ишлари денгизнинг собиқ «Оқбеткай» ороллар тўдаси ерларида ҳам қизғин давом этмоқда.

## СУРХОН ДОРИ-ДАРМОНЛАРИ

***«Сурхон» заводининг фойдаланилмай ётган механика биноси қайта таъмирдан чиқарилди.***



Дори ишлаб чиқарадиган барча техника ва асбоб-ускуналар Ҳиндистондан келтирилди. Қўшма корхона ишга тушгач, у ерда дастлаб 15 хил дори-дармон ишлаб чиқарилади. Кейинчалик уларнинг тури элликтага етказилади.

Қўшма корхона ишлатадиган хомашё дастлабки вақтда Ҳиндистондан келтирилса, кейинчалик уни Сурхондарёнинг тоғ ва тоғолди минтақаларида ўсадиган доривор гиёҳлардан тайёрлаш йўлга қўйилади.

# УШБУ СОНДА:

ҚАРЗДОРЛАРНИНГ «КИМ ЎЗАР» ПОЙГАСИ — 2-бет
«МИСИ» ЧИҚҚАН ОЛТИНФУРУШЛАР

ДЕҲҚОН ҚАДДИНИ РОСТЛАЯПТИ — 3-бет
СЕН БОР ЭКАНСАН, НАВРЎЗ!..

4-бет

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ИСЛОҲОТГА ТЎҒАНОҚ БЎЛАЁТГАНЛАР

# ҚАРЗДОРЛАРНИНГ «КИМ ЎЗАР» ПОЙҒАСИ

***«Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним» деган маталнинг мағзини чақиш учун луғат титиш шарт эмас. Фарғона водийсидаги айрим ташкилотларнинг боқи-беғам раҳбарлари фаолиятига бир назар ташлаш кифоя. Улар ўз ишларини битириб олишаяптию, бироқ хизмат ҳақини тўлашга келганда ғирромлик қилишмоқда.***

Қарзи бор одам уйқуси қочиб, оромини йўқотиши турган гап. Аммо Фарғона темир йўл бўлими хизматидан фойдаланган уч вилоятдаги айрим корхоналар, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарларининг эса парвойи палак. Бўлмаса уларнинг темир йўл бўлимидан 1996 йил учун қарзлари 563 миллион сўмдан ортиб кетармиди?

Темир йўл транспорти хизматига ҳақ тўламай юрганлар орасида ўзига хос «рекордчилар» бор. Мана улар: Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси 76,5 миллион сўм, Фарғона нефть маҳсулотларини сотиш корхонаси 70 миллион сўм, Қувасойдаги «Кварц» ишлаб чиқариш бирлашмаси 45,9 миллион сўм, Қувасой цемент комбинати 15,4 миллион сўм қарздордирлар. Булар «миллионер» қарздорларнинг энг йириклари.

Фарғоналикларнинг бундай «ибрати»дан ўрнак олган наманганликлар ҳам улардан қолишмаяпти. Намангандаги Жийдакапа темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш корхонасининг қарзи 36 миллион сўмдан ошиб кетган бўлса, Наманган дон маҳсулотлари бирлашмаси 2,4, Учқўрғон ёғ-мой корхонаси 3,1, Поп туманидаги «Ўзбеккровля» корхонаси 3,7, Наманган ёғ-мой корхонаси 1,5, Чортоқ тайёрлов идораси 1,1 миллион сўм қарзларини тўлашни пайсалга солиб келаяптилар.

Андижонда ҳам «миллионер қарздор»лар талайгина. Асака ёғ-мой ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти 2,6, Кўрғонтепа дон маҳсулотлари корхонаси 2,5, Андижондаги иккиламчи қора металлар корхонаси 2,3 миллион сўм қарзни елкасига илиб олган. Ахир, инсофсизлик ҳам эви билан-да. Ҳар бир сўм қарз замирида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик жамияти Фарғона бўлими ишчи-хизматчиларининг манфаатлари ётибди-ку!

Яхшиямки, Фарғона транспорт прокуратураси республика Президентининг «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг ижроси қандай бажарилаётгани юзасидан текширув ўтказди. Бўлмаса қарздорлар дўппини чамбарак қилиб юраверишарди.

Бозор иқтисодиёти боқибеғамликни кечирмайди. Темир йўл вагонларидан фойдаланиб, уни ўз вақтида бўшатмаганлар, белгиланган муддатдан кўпроқ банд қилаётганлар катта-катта жарима тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Масалан, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхонаси йил давомида вагонларнинг бекор туриб қолишига йўл қўйгани учун 8 миллион 528 минг 513 сўм миқдорида жарима тўлаган.

Эссиз, миллионлар! Агар корхона раҳбарлари ишга бепарво бўлмаганларида, бу пуллар корхона корига ярарди.

Бешариқ нефть маҳсулотлари, Қува дон маҳсулотлари корхоналари, Тошлоқ пахта тозалаш заводи раҳбарлари ҳам жарима тўлашда устаси фаранг бўлиб кетишди. Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси эса бу масалада ҳам «рекордчи». У бир йиллик жаримаси 27 миллион 889 минг 108 сўмга етди. Қувасой цемент корхонаси «ким ўзар» пойгасида 7 миллион сўмлик маррани ортда қолдирди.

Бундан ташқари Фарғона темир йўл бўлимига қарашли Андижон вилоятидаги станциялар билан алоқада бўлган корхона ва ташкилотлар ҳам юклаш ва туширишни ўз вақтида амалга оширмаганликлари учун 22,3 миллион сўм, наманганликлар 8 миллион 585 минг 195 сўм. Андижондаги Сўфи қишлоқ ва Пахтаобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари эса 200-300 минг сўмдан жарима тўлашга мажбур.

Мулк эгалари ҳисобланмиш акциядорлар ўз раҳбарларининг уқувсизлиги, бепарволиги туфайли жамоа маблағлари беҳуда совурилаётганлигига бепарво қараётганини қандай тушуниш керак? Бу жарималар уларнинг чўнтагидан тўланганда балки аҳвол бошқача бўлармиди.

Наҳотки, мутасаддиларни тартибга чақириб қўйиш уларнинг қўлларидан келмаса?

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» жамоатчи мухбири.**

ИЛМИЙ--ТЕХНИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

# ЯНГИ ФИЛИАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА

***«Андижонэлектраппарат» акционерлик жамиятида энергетика учун паст вольтли ҳимоя қурилмалари ва тизим автоматикаси бўйича Тошкент махсус лойиҳа-конструкторлик бюросининг филиали очилди.***

Андижонда «Ўзэлтехсаноат» уюшмасидаги ягона ихтисослашган илмий тадқиқот институти филиали очилиши ҳаёт тақозоси эди. Биринчидан, бу илмий марказ қисқа вольтли электр аппаратурасини ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш бўйича улкан илмий-техник салоҳият ва тажрибага эга. Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан Фарғона вилояти электр техника саноати корхоналарида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва айрим саноат турларини бошқа йўналишга буриш учун шу ернинг ўзида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш зарурати туғилди. Марказ ташкил этилганидан сўнг янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, илғор технологияларни ҳаётга жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш, шунингдек корхоналар учун юксак малакали кадрлар тайёрлаш масалаларини тез, қоғозбозликларсиз ва сафар харажатларсиз шу ернинг ўзида ҳал этилади.

Филиал ҳозирнинг ўзидаёқ ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқиш, таъминот, минтақа бозорини ўрганиш ва кадрлар тайёрлаш масалаларини ҳал этишга киришди. «Андижонэлектраппарат» акционерлик жамияти буюртмасига биноан филиал мутахассислари «Дизайн» электр ўчиргичларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотни бошлаб юборишди.

Филиал алоҳида хоналар, мебель, замонавий алоқа воситалари, транспорт билан таъминланган. Бу -- жорий йилга белгиланган, соҳа корхоналари учун маҳсулотларнинг янги турини ишлаб чиқиш, маркетинг ва кадрлар масалалари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган махсус курслар очиш сингари режа асосида жиддий илмий тадқиқот ишлари олиб бориш имконини беради. Белгиланган вазифалар олимлар, илмий ходимлар ва ишлаб чиқарувчи мутахассислардан иборат ижодий гуруҳларда ҳал этилади.

-- Олдимизда турган вазифаларни тез ва соз бажариш учун биз мамлакатимиздаги, шунингдек Россия, Украина, Қозоғистон, Молдовадаги етакчи илмий-тадқиқот институтлари, марказлар ва конструкторлик бюролари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ниятидамиз, -- дейди филиал директори Станислав Широв.

**(ЎзА).**





## *САМАРҚАНД БАХМАЛИНИНГ ЖИЛОСИ*

***«Мусаффо» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган бахмалнинг довруғи нафақат республикамиз халқини балки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари фуқароларининг қалбини ҳам ром этган. Ҳозир корхона ишчилари кунига ўн минг метрдан зиёд ранго-ранг бахмални савдо ташкилотларига жўнатишаяпти. Корхона раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан бу ерда меҳнат қилаётган бир ярим мингдан зиёд ишчига бепул тушлик берилаяпти. Ишчи-хизматчиларнинг болалари тарбияланаётган иккита боғчада барча шарт-шароитлар корхона кучи билан яратилаяпти.***

***СУРАТЛАРДА: бирлашма бош директори муовини О. Боқиев ва назорат бўлими ходими Д. Махмудова дастгоҳлардан чиқаётган бахмал сифатини кўздан кечиришаяпти; тўқувчи М. Багирова иш устида; тўқув цехида.***

**Р. ШАГАЕВ олган суратлар.**



ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

# «МИСИ» ЧИҚҚАН ОЛТИНФУРУШЛАР

***Аслида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бу воқеанинг тарихи ҳийла узоқ. Тўғрироғи, 1994 йил февраль ойида берунийлик Қурбонбой, эҳтимол, инсон умрида фақат бир мартагина насиб этадиган имконга дуч келди: у тасодифан нақ икки килограммдан ошиқроқ соф олтин ёмбисини топиб олди.***

Қаранг-а, ростмана олтин, тенгсиз хазина! Энди унинг олдида икки йўл турар эди: ё топилган тиллани давлатга топшириб, бир қисмини қонуний мукофот тарзида қайтариб олиш ва ёхуд...

Ана шунда унинг кўнглига шайтон оралади, хаёлию вужудини сармаст қилди. «Ўзингни қўлга ол, Қурбонбой! Бебаҳо бойликни сенга яратганнинг ўзи етказди. Бир умр роҳат-фароғатда яшай десанг, ими-жимида иш тут. Гапни шамоллатма. Ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолсин. Ахир, сен бу олтинларни қайси бир вайрона ёки девор ёриғидан эмас, Олмалиқ рангли металларга ишлов бериш корхонасининг... ҳожатхонасидан топдинг-ку. Ким яширганини худо билади. Имкониятни қўлдан бой берма!..»

Ўшанда Қурбонбой Айтбоев чиндан ҳам Олмалиқ рангли металларга ишлов бериш мажмуида қўриқлаш-бўлимининг назоратчиси эди. У ишхонаси билан ҳисоб-китоб қилдию, икки килограмм олтинни қўлтиқлаб, Берунийга равона бўлди. Кўп ўйлади, ўзича антиқа режалар тузди. Бунга асос бор эди-да. Ахир, икки килограммдан ортиқ тилла -- бу ҳазилакам бойлик эмас. Расамади билан сарфланса, бутун умрга етади. Хуфёна иш тутишга қарор қилди.

Қурбонбой қараса, тиллани бағрига босиб ётаверишдан фойда йўқ. Кўп ўтмай, у Олмалиқда пайдо бўлди. Бу ерда Қ. Айтбоевга икки марта судланган Одил исмли шахс ўз «хизмати»ни таклиф этди. Шундай қилиб, 170 грамм олтин 1530 долларга пулланди. Кўр-кўр билан қоронғидан топишган эди. Кейинги олтин «операция»лари ҳам асосан ана шу устомон -- Исоқов Одил иштирокида амалга оширилди. Яъни, Қурбонбой 1994 йил ёзида (ҳар граммини 9 доллардан) 200 грамм, 1995 йили (ҳар граммини 10 доллардан) 200 грамм соф олтин, шу йилнинг ўзида ҳар донаси 100 доллардан 5 дона тилла танга сотади. Олтин майдалаб пулланаверади-ю, Қурбонбой Айтбоевнинг Берунийдаги уйида бирин-кетин Тошкентдан келтирилган «Айва» видеомагнитофони, «Фунай» моноблок телевизори, «Панасоник» видеокамерасига ўхшаган қимматбаҳо ашёлар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпайиб бораверади.

Ниҳоят, 1996 йилнинг мартида Қурбонбой каттароқ ишга бел боғлади. У 10 март куни яна Олмалиққа келади. Хуфёна савдонинг ҳадисини олган Қурбонбой бу сафар сотиш учун нақд бир килограмм олтин олиб келган эди. Воситачи -- яна ўша туллак Исоқов. Бир килограмм олтин О. Исоқовнинг қудаси Иброҳимжон Мелиқодиров «фотиҳаси» билан Гажимамат Гужалалов деган кимсага сотилади. Кам эмас, ҳар грамми 13 доллардан. Шунинг 2 минг доллари «харидор» топиб берган Одилга тегади. Қолган 11 минггги эса Қурбонбойнинг чўнтагига! Бу пайтга келиб, унинг тагидаги янгигина «Жигули» торлик қилиб, кўнгли ярқироқ «Волга»ни тусаб қолганди: 9800 долларга «ГАЗ-31029» сотиб олади. Ўғрилик мол-да, уйга олиб келишга юраги дов бермасдан Элликқалъа туманидаги бир танишиникига яшириб қўяди.

...Бир кунмас, бир кун, емоқнинг қусмоғи ҳам бор. Олтин васвасига тушган Қ. Айтбоев шаҳарни бедарвоза, деб ўйлаган эди. Боши қонуннинг адолатли деворига текканда, кўзлари ярқ этиб очилди. Аммо энди кеч эди. Сотиб улгурилмаган 662 грамм олтин «Беруний» ширкатлар уюшмасининг «Намуна» бўлими яқинидаги тўранғилзорга яширилганлиги аниқланди. Шунингдек, Қурбонбойнинг уйидан 3 та ТОЗ -- 8 милтиғи, «Макаров» пистолетининг 2 дона ўқи, газ ўчоғининг иссиқхонасидан 1,5 грамм тарёк топилди. Қонуний жазо учун ана шу ашёвий далилларнинг ўзи етарли эди. Текширишлар давомида Қ. Айтбоевнинг собиқ хотини, Олмалиқ шаҳар Фурқат кўчасида яшовчи Бахтинисо Ҳасанованинг уйидан тиллафуруш «қаҳрамон»имизга тегишли ўқотар қурол ва 1,6 грамм кўкнори чиқди.

Товламачилик, фирибгарлик, балнафслик иллатлари учун ҳаётнинг жазоси ҳамиша тайин. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Енгил-елпи йўл билан бойлик орттиришдек ғаразли мақсадни кўзлаган олтинфурушларнинг «миси» чиқди. Беруний туман халқ суди 1996 йили 12 ноябрь куни мазкур жиноий ишни кўриб чиқиб, Қурбонбой Айтбоевни 14 йил, Одил Исоқовни 13,5 йил, Иброҳимжон Мелиқодировни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш, уларнинг мол-мулкини мусодара этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Қонунга хилоф равишда эгаллаб олинган тилла ва уни сотиш эвазига топилган бойликлар давлатга қайтарилди. Хуллас, олтин «операция»си адолатли якун топди. «Қинғир ишнинг қийиғи, қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», деганлари шу бўлса керак.

**Ҳ. ҲАЛИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокурори.**
**Ҳ. АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# НУФУЗИМИЗ ҚАНДАЙ?

## ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁДА АҲОЛИСИНИНГ СОНИ ЖУДА ТЕЗ КЎПАЙИБ БОРАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ҚАТОРИГА КИРАДИ

***Сўнгги ўн йилликлар давомида дунёнинг кўпгина мамлакатларида, айниқса, Европа давлатларидаги аҳоли сони кўпаймасдан бир хил даражада туриб қолмоқда.***

Баъзи ҳудудларда эса ҳатто аҳоли сонининг камайиши жараёни кузатилаяпти. Жумладан, россиялик демограф Л. Рибаковскийнинг «Социологик тадқиқотлар» журналида ёзишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, Россия Федерациясининг аҳолиси 1996 йилда 1989 йилдагига нисбатан 1 миллион кишига камайган. Шунингдек, бу кўрсаткич Россияда 2015 йилга бориб 5 миллион кишини ташкил этиши мумкин. Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида фақатгина Марказий Осиё давлатларида аҳоли сони кўпайишининг юқори суръатлари сақланиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамизда 22 миллион 600 минг киши истиқомат қилади. Бу -- Марказий Осиё давлатларида яшайдиган аҳолининг 40 фоизидан ортиғини ташкил этади. 1970 йилларнинг бошида Ўзбекистонда 11 миллион киши яшаган. Демак, унинг икки баробар кўпайиши учун чорак аср, яъни 25 йил вақт керак бўлди. Республикамизда йилига 700 мингга яқин ёки ҳар 1000 киши ҳисобига 32,2 бола туғилади. Бу эса Ўзбекистон аҳолисининг ҳар йили 2,2-2,3 фоизга кўпайиши ҳам демакдир.

Туғилишнинг юқори кўрсаткичларга эга эканлиги аҳолининг турли ёшдаги вакиллари ўртасида 16 ёшгача бўлганлар салмоғининг катта бўлишига олиб келади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолисининг 43 фоизини 16 ёшгача бўлганлар, 49 фоизини меҳнат ресурслари, яъни 16-54 ёшдаги аёллар ва 16-60 ёшдаги эркаклар, 8 фоизини эса нафақа ёшидагилар ташкил этади. Аҳолининг ёш таркибидаги бу мутаносиблик турли ихтисосликдаги хўжалик корхоналари сони тез суръатлар билан кўпайиб бораётган республикамиз шароитида уларни меҳнат ресурслари билан таъминлаш учун етарли салоҳият борлигидан далолат беради.

Республикамиз ҳудуди рельеф ва иқлим шароитларига кўра бир-биридан фарқ қилувчи тоғлар, текисликлар, адирлар, чўллар ва воҳалардан ташкил топган. Аҳолининг асосий қисми эса баландлиги 800 - 1000 метргача бўлган воҳаларда, тоғ оралиқларидаги водийларда яшайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг турли қисмларидагина 1 кв.км га тўғри келадиган аҳолининг зичлиги бир-биридан кескин фарқ қилади. Республикадаги аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлар қаторига Фарғона водийси, Тошкент вилояти ва Хоразм воҳасини киритиш мумкин. Андижон вилояти нафақат республикамизда, балки Ҳамдўстлик мамлакатларидаги аҳоли энг зич жойлашган жойдир. Ҳозирги вақтда бу ерда 1 кв.км майдонга 470 киши тўғри келади. Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг чўлли туманлари республикадаги аҳоли энг сийрак жойлашган ҳудудлардир. Уларда гарчи ўртача аҳоли зичлиги 1 кв.км га 6,6 ва 8,3 кишини ташкил этса-да, баъзи жойларда 5-10 кв.км га 1 киши тўғри келади.

Ўзбеклар қадимдан болажон халқ бўлиб келишган. Халқимизнинг ана шу хусусияти туфайли республикада кўп болали оилалар жуда кўпчиликни ташкил этади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон бу жиҳатдан Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида фақат Тожикистондан кейин иккинчи ўринда туради. Бу ердаги бир оилага ўртача 5,5 киши, шу жумладан, шаҳарларда -- 4,7 ва қишлоқ жойларида -- 6,2 киши тўғри келади.

Республикамизда маънан ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш мақсадида амалга оширилаётган «Соғлом авлод учун» дастури келажаги буюк давлатимизнинг истиқболини кўзлаб олиб борилаётган оқилона ички сиёсатнинг натижасидир. Дастур доирасида кенг миқёсда олиб борилаётган тадбирлар оналар ва туғилаётган болаларнинг саломатлигини яхшиламоқда. Шунинг учун ҳам 80-йилларда республикамиз ҳудудида юқори кўрсаткичларга эга бўлган болалар ўлими кескин камайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг башоратларига кўра, агар Ўзбекистонда аҳоли кўпайишининг ҳозирги суръатлари сақланиб турса, унинг сони 2015 йилга бориб 33 миллион кишидан, 2050 йилда эса 46 миллион кишидан ошиши мумкин.

**Каромиддин ГАДОЕВ,**
**география фанлари номзоди.**

# ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

## ЛАЗЕР ҚУРОЛИ

***АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари штаб бошлиғи Рональд Фогламен Пентагон замонавий лазер қуроли устида иш олиб бораётганини маълум қилди.***

Таркибида кимёвий модда бўлган мазкур қурол 2002 йилгача тайёр бўлади. «Боинг -- 747» самолётининг олд тумшуғига ўрнатиладиган бу қуролдан баллистик ракеталарни уриб туширишда фойдаланилади. Рональд Фогламеннинг таъкидлашича, келажакда лазер қуроли такомиллаштирилиб, у қанотли ракеталарга қарши ҳам қўлланилади. Кимёвий лазер қуроли ўрнатилган самолёт юзлаб чақирим олисликдаги нишонни уриб тушириши мумкин.

## ВАЗИРЛИКНИНГ ХАБАРИ

Россия Ички ишлар вазирлигининг маълум қилишича, мамлакатнинг айрим ҳудудларида отлиқ милиция бўлинмалари ҳамда чорбоғ ва дала ҳовлиларини қўриқлаш билан шуғулланувчи алоҳида бўлинмалар ташкил этилган. Маълумотларга кўра, 1996 йилнинг ўзида мамлакатда 1 миллион 200 минг марта ўғирлик содир этилган.

## ЁРДАМГА МУҲТОЖ

***Европа Иттифоқи миссияси вакили Ян Дъансембург Албанияда барқарорлик ўрнатилмагунга қадар бу мамлакатга иқтисодий ёрдам берилмаслигини маълум қилди.***

Шунингдек, у Албания ҳукумати мамлакатдаги инқирозни бартараф этиш учун Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиши лозимлигини айтди. Албания молия вазири Арбен Малайнинг таъкидлашича, айни пайтда мамлакат 50-60 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдамга муҳтож.

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

***Ироқ пойтахтида Россия-Ироқ иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиясининг иккинчи мажлиси бўлди.***

Мажлисда икки мамлакат ўртасида нефтни қайта ишлаш, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Мазкур мажлисда тузилган ҳамкорлик режалари БМТ томонидан Ироққа нисбатан жорий этилган иқтисодий жазо чоралари бекор қилинганидан кейингина амалга оширилади.

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ДАРОМАДИ

***РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарига кўра, Украина Президенти Леонид Кучма мамлакат солиқ бошқармасига ўзининг даромадлари ҳақидаги декларацияни тақдим қилган.***

Маълум бўлишича, Президентнинг даромади 7,5 минг АҚШ долларини ташкил этар экан. Декларацияга кўра, Леонид Кучманинг 8 минг долларга баҳоланган чорбоғи ва 5 сотих ер участкаси бор. Айни пайтда Президент яшаётган уй эса ҳали хусусийлаштирилмаган.



***СУРАТДА: Италия.***

